# ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИНИ ҚАТЪИЙ ҚАЙТА ҚУРАЙЛИК

(Давоми. Боши иккинчи ва учинчи бетларда).

Бу йилги ўқув йилидан олти ёшли болаларни мактабга оммавий қабул қилиш бошланди. Олти ёшли болаларни ўқитиш учун жойларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун область мактабларига келгусида 120 минг ўрин керак бўлади, Ўзбекистон ССР Госплани эса бундан камроқ план тузган — республика Министрлар Совети ҳам шунга рози бўлган.

Марказий Комитет шу масалаларнинг ҳал этилиши учун масъул бўлган кишилардан қаттиқроқ жавоб талаб қилиши зарур. Мактабларни қишга тайёрлашнинг бориши ҳам бизни ташвишга солмоқда, болалар ҳали ҳам қишлоқ хўжалик ишларига, айниқса пахта теримига кенг миқёсда жалб этилмоқда.

Журналистларнинг бошқа коллективлари каби «Правда Востока» редакцияси ҳам қайта қуриш йўлидан боришга интилмоқда. Аммо бу — фақат биринчи қадамлар, холос, деди ўз нутқида газета редактори **Г. Г. Неклесса.** Шошма-шошарлик, имкони борича кўпроқ мавзуларни очиб беришга киришиб кетиш бизнинг энг катта нуқсонимиздир. Кўпинча биз қаҳрамонлар айтмаган сўзларни ва билдирмаган фикрларни унинг номидан ёзиб чиқаряпмиз. Биз мураккаб ва зиддиятли воқелик олдида ҳамон ҳадиксираб турибмиз ва тез-тез хато қиляпмиз. «Правда» газетаси «Шундай муносабатда бўлишди», деган луқма босиб чиқариб тўғри иш қилди. Унда Самарқанд холодильниклар заводидаги кичиккина муваффақиятни катта ютуқ деб кўрсатганимиз учун бизни танқид қилди. Ҳолбуки, қайта қуриш қийинчилик ва секинлик билан бораётганини кўриб турибмиз.

Сўзларнинг жимжимадорлиги оқибатида бир талай материалларимизга газетхон бепарво қарамоқда. Баъзан эса танқиднинг ҳаддан ташқари кескинлиги уни бунёдкорлик эмас, балки бузувчи кучга айлантириб қўймоқда, биз инсонга озор бериб, унинг ҳафсаласини пир қилиб қўймоқдамиз.

Яқинда эълон қилинган «Келгуси учун сабоқлар» деган публицистик мақолада муаллиф республикадаги кино санъатини ривожлантиришнинг жиддий масалаларини ўртага қўяди. Аммо газетхонлар ибораларнинг ҳаддан ташқари кескинлиги учун унга ҳақли таъна қилмоқдалар. Жумладан, баъзи кишилар «Оловли йўллар» телефильми ва унинг ижодкорларига берилган баҳога қўшилмаяптилар. Газета саҳифаларида ҳаёт нафаси сезилиб туриши учун, меҳнаткашларнинг ўзлари ўз режалари ва фикр-ўйлари ҳақида ўз тиллари билан гапириб беришлари учун биз ўз хатоларимиздан сабоқ олаяпмиз, газетхонлар билан гаплашишнинг тўғри руҳини излаяпмиз. Газета ўз қиёфасига, унинг ходимлари эса ўз ижодий услубига эга бўлишига зўр иштиёқ билан интиляпмиз. Танқиддан кейин кўрилган чора-тадбирлардан газетхонларни тўлиқроқ хабардор қилишга, ошкораликни партия турмушининг нормаси қилишда партия комитетларига ёрдам беришга интиляпмиз. Бироқ, очиғини айтганда, журналистлар орасида қалами ва зеҳни ўткир ижодкорлар тобора камайиб бормоқда, шунчаки тасодифий кишилар ҳам учраб турибди. Олий мактабнинг редакциялар билан амалий алоқаларини мустаҳкамлаш, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг кадрларга берадиган бевосита буюртмаларини бажаришга ўтиш, тажриба тарзида бўлса ҳам журналистика факультетларига ёшларни танлаб беришни редакцияларга топшириш вақти келди. Журналистлар орасида партиялилар қатламини ўстириш ҳақида ҳам ўйлаш керак.

Газетхоннинг савияси, унинг обрў-эътибори — аввало, партия комитети билан редакция ўртасидаги алоқанинг мустаҳкамлиги билан белгиланади. Марказий Комитетда, область, шаҳар, район партия комитетларида ҳар кварталда ўтказиш анъана тусига кириб қолган матбуот конференцияларини табриклаймиз. Партия бизни ошкораликка, шу куннинг проблемаларига танқидий ёндашишга ундаётган ҳозирги пайтда биз қўллаб-қувватланишга жуда муҳтожмиз. Аммо баъзан ҳатто Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пропаганда ва агитация бўлими, аввало матбуот секторининг қўллаб-қувватлашини ҳам сезмаяпмиз. Бунинг ўрнига танқидга жавобан айрим партия ташкилотлари томонидан асабийлик сезилиб турибди. Масалан, Фрунзе район ижроия комитети ва район партия комитетига (биринчи секретари Марказий Комитетнинг аъзоси С. А. Хўжаева) неча марталаб эслатишлар ҳеч қандай натижа бермади. Тошкентдаги архитектура ва шаҳарсозлик проблемаларига бағишланган «Сиртқи тайёргарлик» сарлавҳали мақолага ҳамон жавоб қайтармадилар. Чўзилиб кетган қурилиш тўғрисидаги «Ишонмасангиз, текширинг» сарлавҳали мақола хусусида эса ўртоқ Хўжаева ўзининг норозилигини билдирди. Агар биз, Марказий Комитет аъзолари газетадаги танқидга шундай муносабатда бўлсак, у ҳолда бошқаларга қандай намуна кўрсатамиз. Очиқдан-очиқ қуруқ жавоб ёзиб юбориш ҳоллари ҳали ҳам оз эмас. Баъзан, ҳатто, қонун ва адолатни ҳимоя қилиши лозим бўлган кишилар олдида ҳам ҳақиқатни ҳимоя қилишга тўғри келмоқда. 25 март куни «Суд ва иш» сарлавҳали мақола босилди. Унда қонун бузилганлиги сабабли ишдан бўшатилган ўқитувчи 10 йил мобайнида ўз ҳуқуқини қайта тиклай олмаганлиги ҳикоя қилинган эди. Мақола чиқишидан бир кун аввал, қандайдир йўл билан бундан хабар топган республика Олий судининг раиси С. Й. Иигиталиев редакцияда пайдо бўлиб, «Материални эълон қилишни маслаҳат бермайман» деб огоҳлантирди. Мақола барибир босилиб чиқди, ўқитувчи ишга қайта тикланди. Ўртоқ Йигиталиев эса газетага ҳеч қандай жавоб бермади.

Бизнинг танқидий материалларимиз юзасидан психологик ҳужумлар бошланадиган ҳоллар ҳам бўлиб турибди. Бизни камчиликларни қатъият билан очиб ташлашга даъват қилмоқдалар, аммо бу ишга киришишимиз биланоқ ўзимизнинг танқид қилиш ҳуқуқимизни ҳимоя қилишга кўп куч сарфлашга тўғри келмоқда. Бундай шароитда республика ва область газеталари ҳам қийин аҳволга тушиб қолмоқдалар. Ҳеч қандай ўзгариш рўй бермаган шаҳар ва район газеталари ҳақида нима дейиш мумкин? Ҳали ҳам шаҳар ва район партия комитетлари уларнинг икир-чикир ишларига аралашмоқдалар, нимани ёзиш керагу, нимани ёзиш керак эмаслиги ҳақида кўрсатмалар бермоқдалар. Район газетачилари қандай оқибатлар келиб чиқишини ўйлаб, баъзи масъул шахсларни қандайдир узр сўраш тарзида танқид қилаётганликларининг сабаби шу эмасмикан! Аммо улар пастроқ лавозимдаги шахсни танқид учун танлаб олганларида унга гурзисимон зарбалар ура бошлайдилар. Буни қайта қуриш деб бўлмайди, албатта.

Қизилтепа районидаги «Ёш ленинчи» колхози парткомининг секретари **С. Н. Наимова** хўжалик коммунистлари тузган истиқбол плани ҳақида гапириб берди. Эртанги кун кишисини тарбиялаб вояга етказишга кўмаклашиш планда асосий мақсад қилиб олинган.

Колхозда икки мингдан кўпроқ хонадон, 6000 дан зиёд аҳоли бор. Парткомнинг ташаббуси билан оилавий турмушни яхшироқ ташкил этиш конкурсининг шартлари ишлаб чиқилди. Хонаки кутубхона, телевизор ва радио, замонавий мебель бўлиши ва ундан фойдаланиш, оила аъзоларининг ижтимоий меҳнатда, оммавий спорт ва маданий тадбирларда қатнашиши, болаларнинг ўзлаштириши ва интизоми рағбатлантирилмоқда.

Колхознинг барча идеология активлари планни амалга оширишга сафарбар қилинди, аммо булар йиллар давомида таркиб топиб келган вазиятни соғломлаштириш йўлидаги дастлабки қадамлар, холос. Кейинги йилларда районда порахўрлик ҳам, қўшиб ёзишлар ҳам, меҳнатсиз даромадлар ҳам аниқланди. Мана шуларнинг ҳаммаси ҳатто оддий колхозчиларнинг онгига ва хатти-ҳаракатларига таъсир қилди, қимматга тушадиган, диний расм-русумлар билан ўтказиладиган тўйлар уюштиришда ким ўзар ўйнаш иллати пайдо бўлди. Руҳонийларнинг позициялари кучайди. Молпарастлик болаларнинг соғлиғига салбий таъсир қилмоқда.

Бу соҳада менинг ҳам айбим бор, чунки буларнинг ҳаммаси менинг кўз ўнгимда рўй бермоқда, деди С. Н. Наимова. Область, район ва колхозимиз социал-иқтисодий тараққиёти сусайганлигида ғоявий-тарбиявий ишдаги жиддий камчиликлар ҳам кўриниб турибди.

Биз кўпгина идеология тадбирларини ўтказдик, аммо бу тадбирлар салбий ҳодисаларга қарши курашга ёрдам бермади. Бизда ўтмишда бўлганидек, ҳозир ҳам қатъият етишмаяпти. Бу соҳада биз район партия комитети, унинг пропаганда ва агитация бўлими томонидан талабчанликни унчалик сезмаяпмиз.

Кейинги вақтларда республикамиз партия ташкилотига Москва, Ленинграддан ва бошқа шаҳарлардан кўпгина коммунистлар доимий ишга келдилар. Уларнинг бой тажрибаси телевидение, радио орқали, газеталарда ёритилмаяпти, ҳолбуки, бу тажриба бизга жуда фойдали бўлур эди. Ёш авлодни тарбиялаш, уни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг ҳолати бизни, айниқса, ташвишга солмоқда. Биз болаларга муносиб ғамхўрлик қилмаяпмиз. Колхоз территориясида жойлашган иккала мактабда шу пайтга қадар улар икки сменада ўқимоқдалар, кўргазмали ўқув қуроллари етишмаяпти, компьютерлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Колхозда мактабгача тарбия муассасаларига бўлган талабнинг атиги 30 проценти таъминланмоқда, шунинг оқибатида кўпгина аёллар ишлаш имкониятига эга эмас. Бу ўринда кўп нарса бизгагина боғлиқ эмас, область агросаноат комитети ва район агросаноат бирлашмасининг позициясига ҳам боғлиқдир, улар болалар муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳақида, уларни тузукроқ жиҳозлаш ҳақида ғамхўрлик қилмаяптилар. Аслида улар мактаб ислоҳотини амалга оширишдан ўзларини четга олганлар. Республика Давлат агросаноат комитети (ўртоқ Жўрабеков) шу муҳим масалага ўз муносабатини ўзгартириши керак.

Биз инсон омилини кучайтириш ҳақида ғамхўрлик қилар эканмиз, бу нарса хўжаликнинг ишлаб чиқаришдаги ишларига, интизом ва масъулиятни мустаҳкамлашга ижобий таъсир қилиши лозимлигини тушунамиз. Колхоз давлатга сабзавот, мева, пилла сотиш тўққиз ойлик планини адо этди, гўшт ва сут юзасидан белгиланган йиллик план ҳам бажарилади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳаммаси ҳозир пахта термоқда. Ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда териб, ўз социалистик мажбуриятларимизни октябрь ойининг охирида бажарамиз.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг мудири **Ю. А. Скляров** нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими секторининг мудири **В. И. Бессарабов** иштирок этди.

**(ЎзТАГ).**

## Тинчлик учун курашда бирликни мустаҳкамлайлик

Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотлари регионал семинарининг қатнашчилари қабул қилган ахборотда ядро уруши хавфига қарши, мамлакатлар ўртасида яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш учун курашни кучайтириш зарурлиги тўғрисида гапирилади. Семинар 6 октябрь куни Тошкентда ўз ишини тугатди.

Семинарни Совет Хотин-қизлари комитети Халқаро тинчлик йили доирасида ташкил қилганди. 20 мамлакат 43 ташкилотининг, шунингдек БМТ, Халқаро Хотин-қизлар демократик федерациясининг вакиллари планетани ядро ёнғинидан асраб қолиш учун ҳамма ишларни қилиш иштиёқларини намойиш этдилар. «Аёл ва тараққиёт. Аёлнинг тинчликни сақлаш ишига қўшадиган ҳиссаси» мавзуида ўтган анжуманнинг қатнашчилари ўз нутқларида шу гапни таъкидладилар. Семинар программасида республика меҳнаткашлари, фан, маданият арбоблари билан учрашувлар кўп эди. Анжуман қатнашчилари саноат корхоналарига бордилар, колхозларнинг бирида, Тошкентдаги оилаларда бўлдилар. Улар урушга қарши митингларда қатнашдилар.

Семинарда халқаро аҳволнинг мушкуллигидан, инсоният бошида ядровий қирғин реал хавф солиб турганлигидан чуқур ташвишланиб айтилган сўзлар янгради.

Халқаро хотин-қизлар ҳаракатининг активлари ядро қуролини 2000 йилгача босқичма-босқич тугатиб бориш борасида Совет Иттифоқи олға сурган программани, шунингдек СССР барча ядро синовларини ихтиёрий равишда тўхтатиб туриш муддатини узайтирганлигини табрикладилар. Аёллар Михаил Сергеевич Горбачев билан Рональд Рейган Рейкьявикда учрашажагини табриклаб, халқаро вазиятни соғломлаштириш кенг қамровли хавфсизлик системасини барпо этиш, инсониятни термоядро уруши хавфидан қутқариш учун шу тарихий имкониятни қўлдан чиқармаслик керак, дедилар.

Атом бомбардимони қурбонлари Япония кенгашининг ҳамраиси Сокаи Ито анжуманни якунлаб бундай деди:

— Семинар иши кўпгина масалалар юзасидан умумий тил топишимизга, тенглик ва тинчлик юксак идеаллари йўлида биргалашиб қиладиган ҳаракатларимиз тўғрисида келишиб олишга имкон берди. Бундай мулоқотлар бутун планетада хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашда янада қалинроқ жипслашишга ёрдам беради.

Семинарнинг ёпилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова, Совет Хотин-қизлари комитети раисининг ўринбосари К. С. Проскурникова ҳозир бўлдилар.

**(ЎзТАГ).**

# ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛА, МАКТАБ ВА МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИНИНГ РОЛИ

**Республикамизда 10 октябрда ўтказиладиган Ягона сиёсий кун мавзуи**

1. Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг КПСС XXVII съезди белгилаб берган йўли партия ва халқимиз ишининг асосий мазмунини ташкил этмоқда. Совет кишиларининг КПСС томонидан йўналтириб борилаётган бунёдкорлик фаолияти ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари — социал, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда туб қайта қуришга олиб келиши керак. Партиямизнинг ҳозирги сиёсий йўли идеология иши самарадорлигини кескин ошириш учун ғоят қулай имкониятлар яратади, бу имкониятлардан ҳозирча яхши фойдаланилмаяпти. Меҳнаткашларнинг ғоявий-сиёсий тарбияси, унинг мазмуни, усул ва услублари ички ва халқаро ҳаёт реалликларига мувофиқлаштирилиши, ташкилотчилик ва хўжалик фаолияти билан мустаҳкам алоқаси таъминланиши керак.

Социализм шароитида давлат, оила, мактаб, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари болалар, ўсмирлар, ёшларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган тарбияси ҳамда таълимини таъминлайди. Бундай тарбиявий иттифоқ социалистик жамиятгагина хос бўлиб, социализм учун қонуний ҳол ҳисобланади. Бинобарин, у инсоннинг ижтимоий моҳияти тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотдан келиб чиқади.

Оила, давлат ва жамоат ташкилотларининг мақсад ва вазифалари бирлиги — ёшларда коммунистик дунёқарашни шакллантириш, уларни ғоявий-маънавий тарбиялаш, ҳаёт ва меҳнатга тайёрлашнинг муқаррар шартидир. В. И. Ленин 1920 йилдаёқ коммунизм **«ҳар томонлама юксалган ва ҳар томонлама тайёрланган, ҳамма нарса қўлидан келадиган** кишиларни тарбиялаш, ўқитиш ва тайёрлашга» қараб бормоқда, бориши зарур ва шунга боради деб таъкидлаган эди (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 36—37-бетлар).

Ёш ўринбосарларни коммунистик руҳда тарбиялашда оила, мактаб, меҳнат коллективи ва жамоат ташкилотлари алоқасини мустаҳкамлаш зарур эканлиги КПСС XXVII съезди ҳужжатларида янада зўр куч билан таъкидланди, у «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»да чуқур асослаб берилган. Бу проблема ҳамма ерда ҳал этилмоқда, аҳолисининг кўп қисми 30 ёшга тўлмаган ёшлардан иборат республикамиз учун у айниқса, долзарб бўлиб қолмоқда. 60—70-йилларда Ўзбекистонда кенг тарқалган номатлуб ҳодисалар ёшлар тарбиясига салбий таъсир этди. Маҳаллийчилик ва ошна-оғайнигарчилик, ҳамма нарсани ўзига жоиз деб билиш ва порахўрлик, давлатни алдаш ва меҳнат интизомини бузиш ҳоллари, ичкиликбозлик ва алкоголизмнинг авж олиши муҳити ёш авлоднинг анчагина қисми онгига салбий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1984 йил июнида бўлиб ўтган XVI пленуми хўжалик ва ижтимоий ҳаётдаги салбий ҳодисаларни очиб ташлади, кескин танқид қилди ва қоралади. Ўшандан буён республикада соғломлаштириш жараёни оғишмай амалга оширилмоқда. Аммо кишилар тарбиясига етказилган зарар анчагина турғун бўлиб, дарҳол йўқолмайди. Худди шу сабабли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети куни кеча махсус пленум ўтказди. Бу пленумда КПСС XXVII съезди талаблари асосида идеология иши самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама этилди. Пленумда бошқа масалалар билан бир қаторда ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда оила, мактаб ва меҳнат коллективининг муҳим роли таъкидлаб ўтилди.

2. Болаларни тарбиялашда оиланинг аҳамияти мислсиздир. Айни оилада ёшликдан шахс шаклланa боради. Мактабгача бўлган давр ва мактабда ўқиш йиллари давомида болалар ота-оналари, опа ва акалари мисолида тенгқурлар билан, оилада, жамиятда ўзини тутишни ўрганади. Оилада асос солинган тарбия пойдевори кишиларда умр бўйи мустаҳкам сақланиб қолади. Бунга энг яхши намуна В. И. Ленин тарбияланган Ульяновлар оиласидир.

Ота-оналарнинг меҳнатга муносабати болалар тарбиясига бевосита таъсир этади. Ўзбекистон Компартияси XXI съездида республикамизда ота-оналари ва бошқа аъзолари ижтимоий фойдали меҳнат жараёнига жалб этилмаган, уйдаги шахсий ёрдамчи хўжалиги ҳисобига яшаётган оилалар оз эмаслиги таъкидлаб ўтилди. Тажриба жамият бахт-саодати йўлидаги меҳнат ҳурмат этилмайдиган, бутун фикр-ўйлари шахсий бойлик, худбинлик манфаатлари билан чекланиб қолаётган оилаларда тўғри тарбия бўлмаслигини кўрсатмоқда. Шундай оилаларда болаларга ёшлигиданоқ мешчанлик психологияси юқади, бундайлар кўпинча қонунбузар бўлиб вояга етиши мумкин. «Бир қатор оилаларда ҳали ҳукм сураётган ва онгдаги эскилик сарқитлари билан авж олдирилаётган тамагирлик, юлғичлик, ҳаётга енгил-елпи қараш муҳити, — деб таъкидлади КПСС XXVII съезди минбаридан туриб, Урганч шаҳридаги 94-мактаб директори М. Ёқубова, — булар — шу кунгача тарбияга таъсир кўрсатиб келаётган жиддий тўсиқлардир». Ана шу проблемани ҳал этиш мактаб, жамоатчилик, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар олдига ота-оналарнинг носоғлом турмуш тарзи болаларга салбий таъсир этиши олдини олиш юзасидан оилаларда сабот-матонат билан профилактика ишлари олиб боришдек мураккаб вазифани қўймоқда.

Ёш оилалар тўғрисидаги ғамхўрлик тарбия ишининг ажралмас қисмидир. Социологларнинг таъкидлашича, эрта турмуш қуриш кучайиб бормоқда, ёш келин-куёвлар эса кўпинча мустақил ҳаёт кечиришга, бир-бири учун, болалари тақдири учун зиммага масъулият олишга тайёр бўлмайдилар. Кўпинча ёшлар ўзлари меҳнат ҳаётини бошламаган, на ота-оналарига, на жамиятга наф келтирмаганлари ҳолда тўйдан кейин ота-оналаридан ҳам, жамиятдан ҳам қўшимча неъматлар талаб қила бошлайдилар.

Кўпгина оилаларда ҳануз ўтмишнинг зарарли сарқитлари сақланиб қолмоқда, бу сарқитлар носоғлом оилавий муносабатлар вужудга келишига, болалар нотўғри тарбия топишига сабаб бўлмоқда. Диндорликка берилиш яшовчан чиқиб қолди, бойлик, пул тўплашга интилиш, айрим патриархалчилик сарқитлари сақланиб қолмоқда, аёллар, айниқса келинларнинг қадр-қимматини камситишга интилиш ҳоллари мавжуд. Оилавий низолар, гина-қудрат, ажралишлар ана шундан келиб чиқмоқда.

КПСС XXVII съезди оилани янада мустаҳкамлаш, болалар тарбияси учун масъулиятни оширишнинг аниқ йўл-йўриқларини кўрсатди. Бинобарин, ҳар бир оиланинг маънавий соғломлиги бутун жамиятимизнинг маънавий соғломлигидир.

Мактаб ислоҳотини амалга ошириш асносида оилага ёрдам беришни кучайтириш, болалар тарбиясида унинг масъулиятини ошириш кўзда тутилмоқда. «Болаларни тарбиялаш — СССР гражданларининг Конституцияга ёзиб қўйилган бурчидир, — дейилади КПСС Марказий Комитети Пленуми ва СССР Олий Совети сессияси 1984 йил апрелда маъқуллаган умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишларида.

Ота-оналарга педагогикадан ялпи таълим бериш оилада болалар тарбиясини яхшилашнинг жиддий чораларидан биридир. Республикамизнинг кўпгина мактабларида шу мақсадда педагогика билимлари университетлари барпо этилган, уларнинг ишини яхшилаш керак. Шунингдек, юқори синф ўқувчилари учун жорий этилган янги дарс — «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» дарсини ўқитишнинг савиясини кўтариш муҳимдир.

Партия комитетлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари истиқомат жойларида оилалар билан олиб бориладиган ишга янгича ёндашув йўлларини ишлаб чиқишлари, оилага идеологик таъсир ўтказишни активлаштиришлари лозим. Комсомол тўйлари, балоғат ёшларини нишонлашни турмушга жорий этиш, оилавий актив дам олишни кенг ташкил этиш керак.

3. Умумий таълим мактаби ёш авлод тарбияси билан машғул муассасалар системасида асосий бўғин ҳисобланади. Республикамизда ҳозирги кунда 7766 мактаб бўлиб, уларда 4,2 миллион ўқувчи таълим олмоқда. Кейинги йилларда уларнинг сони ортиб боради. Табиийки, мактабни битирувчилар ҳам кўпаяди, буларнинг ярмидан кўпи моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига бориб қўшилади.

Бу ҳол таълим сифати учун ҳам, ўқувчиларда коммунистик эътиқодлилик, юксак сиёсий етукликни тарбиялаш, заводда, фермада, этикдўзлик устахонасида ва бошқа жойларда ишлай биладиган ва ишлашга тайёр қилиб ҳозирлашда мактаб зиммасига жиддий масъулият юкламоқда.

Табиийки, мактаб педагогика коллективлари, комсомол ва пионер ташкилотларининг диққат марказида болаларнинг билими, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун кураш масалалари туради. Ҳаёт ўқувчилар таълим ва тарбиясини тубдан яхшилаш, уларнинг чуқур ва пухта билим олишини қатъиян талаб этмоқда. Ҳар бир дарс фан асосларини пухта эгаллашни таъминлаши, шахсда коммунистик фазилатлар шаклланишига хизмат этиши лозим.

Республика мактабларида ўқувчиларни комплекс тарбиялаш тажрибаси мавжуд. Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги Алишер Навоий номли 2-мактаб тажрибаси диққатга сазовор. Бу ерда тарбиявий жараён билан барча ўқитувчилар, партия, комсомол, пионер ташкилотлари машғул.

Бу ишларнинг бошида мактаб директори, коммунист Қултой Норматов турибди. Ўқув ва тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйганлиги учун унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони берилди. Қ. Норматов шунингдек «Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси» нишони билан мукофотланган.

Шу билан бирга ўқувчиларни тарбиялаш ва таълим-тарбия ишлари, уларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш ҳозирги талабларга тўла жавоб бермайди. Ҳамма ерда ҳам ўқув-тарбиявий жараён ва синфдан ташқари ишлар барча бўғинларининг ўзаро оптимал боғланиши таъминланмаяпти. Бир қатор мактабларда ўқишга ва ижтимоий-фойдали меҳнатга виждонан муносабатда бўлмаслик, интизомсизлик, коммунистик аxлоқ нормаларини бузиш каби кўпдан-кўп фактларга етарли эътибор берилмаётир, улар атрофлича муҳокама қилинмаяпти. Кўп жойларда ўқувчиларни касбга йўналтириш ва меҳнатга тайёрлаш системаси ҳозирча таркиб топмаган. Халқ хўжалиги эҳтиёжлари ва таълим профили етарли даражада мувофиқлаштирилмаган. Республикада узоқ вақт давомида ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш асосан жисмоний меҳнат билан боғлиқ бўлмаган касбларни эгаллашга қаратилганлиги ҳам салбий роль ўйнади. Аҳолининг кўпчилик қисми ўртасида ишчи касбининг номуносиблиги тўғрисидаги фикр қарор топди. Ҳатто мактабгача тарбия муассасаларида ҳам болалар токарь, қурувчи, тракторчи, сут соғувчи бўлиш ҳақида жуда кам орзу қиладилар, кўпгина юқори синф ўқувчилари эса ишчи касби ҳақида сўз борганида истеҳзо билан илжайиб ва ижирғаниб қўядилар, жисмоний меҳнатга менсимай қарайдилар. Ўрта мактабни битиргач узоқ вақт ҳеч қаерда ишламай ва ўқимай юрган йигит-қизлар оз эмас. Бир қисм мактаб ўқувчиларида худбинлик, мунофиқлик, истеъмолчилик психологияси ва принципсизлик каби иллатлар намоён бўляпти. Совет Армияси сафларида хизмат қилишдан бўйин товлаш фактлари ҳам бор.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш ўқувчи ёшларни ўқитиш ва тарбиялашда узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган жиддий нуқсонларни тугатишга даъват этилгандир.

Ислоҳот муносабати билан эндиликда ҳар бир мактабга база корхоналари қонун йўли билан бириктиб қўйилиши керак. Мактаблар қатори бу корхоналарга ҳам ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш ва меҳнат тарбиясини ташкил этиш учун масъулият юкланади.

Ўзбекистонда ўқувчиларни тарбиялашда меҳнат коллективларининг роли ошиб бораётганлигини кўрсатадиган ижобий мисоллар оз эмас. Масалан, Тошкент шаҳридаги 210-мактаб ва «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қўқондаги 22-мактаб ва «Кокандтекстильмаш» заводи, Ховосдаги 89-мактаб ва Ховос станциясининг локомотив депоси дирекцияси, партия ва бошқа жамоат ташкилотлари ишчанлик билан самарали иш олиб бормоқдалар. Бироқ республика бўйича корхоналарда ўқувчилар учун ишчи ўринларини ташкил этиш аҳволини умуман қониқарли деб бўлмайди. Мактаблар учун база бўлиб ҳисобланган 5644 та корхонадан фақат 1072 тасида ишчи ўринлари вужудга келтирилганлиги ва ана шуларнинг ҳам кўпчилиги давр талабига жавоб беролмаганлигининг ўзиёқ бу соҳада аҳволнинг қандай эканлигини кўрсатиб турибди. Педагогика ва ишлаб чиқариш коллективлари, оила ва жамоат ташкилотлари ўқувчиларда илғор совет ишчисига хос хислат ва фазилатларни тарбиялаш учун биргаликда иш олиб боришга даъват этилгандирлар.

Жойларда ўқувчиларга тарбиявий таъсир ўтказишнинг жуда катта имкониятларидан, чунончи тематик кечалар, олимпиадалар, предметни энг яхши билувчилар конкурсларини, ҳар хил турнирлар, билағонлик ўйинлари ва викториналар ўтказиш; ўқувчиларни ижтимоий туркумдаги фанлар бўйича тинглаш ихтиёрий бўлган дарслар ва тўгаракларга кенг жалб этиш, лекция пропагандасини такомиллаштириш, Ягона сиёсий кунларда, савол ва жавоб кечаларида иштирокини таъминлаш; жонажон ўлка тарихини ўрганишга, меҳнат коллективлари, сулолалари солномаларини ёзишга жалб этиш каби тадбирлардан кенгроқ фойдаланиш зарур.

4. Меҳнат коллективлари совет кишиларини, аввало барча ёшларни ҳар томонлама тарбиялашнинг чинакам мактабидир.

Меҳнат коллективида тарбиявий жараён асосан кишиларнинг биргаликдаги меҳнати, план топшириқларни кун сайин бажариб бориши орқали кечади. Партия ташкилотлари комсомол, касаба союз аъзоларини, хўжалик раҳбарларини актив жалб этиб ва кўп воситалардан фойдаланган ҳолда бу жараённи йўналтириб борадилар.

Социалистик мусобақа, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракати катта тарбиявий кучга эгадир. Булар мусобақадошларда онглилик, куч-ғайрат, ишчанлик, аниқ мақсад, қатъиятлилик, ишга ижодий ёндашиш, омилкорлик, оширилган масъулият, билимини бойитиб боришга муносабатнинг ўсиши каби ижобий фазилатларни вужудга келтиришга имкон беради. Мусобақа ишлаб чиқаришни ўстириш резервларини топиш ва ҳаракатга келтиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга, меҳнат коллективи аъзоларини хўжаликни бошқаришга жалб этишга, меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялашга ёрдам беради.

Ўзаро мусобақалашаётган ёшларнинг меҳнат активлиги Улуғ Октябрнинг 69 йиллиги шарафига қабул қилинган оширилган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишида, маҳорат конкурслари, касблар бўйича беллашувда яққол намоён бўлади. Ёш қурувчилар, қишлоқ механизаторлари, тикувчилар, машинасозлар, савдо ходимларининг конкурслари анъана бўлиб қолмоқда. Бу конкурсларда медицина муассасалари ҳам иштирок этаётирлар.

Коммунистлар ва комсомол аъзолари пешқадамлик қилаётган мусобақанинг сўнмас руҳини қўллаб-қувватлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш партия, комсомол, касаба союз ташкилотларининг кундалик ишидир.

Комсомол-ёшлар коллективлари меҳнат тарбиясининг таъсирчан формаси бўлиб қолди. Республикада 19 мингта ана шундай коллективлар бор. Улар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, космонавт-учувчи В. А. Жонибеков номидаги вимпели учун, меҳнат унумдорлигини ошириш, хом ашё, материал, ёқилғи ва энергияни тежаш учун социалистик мусобақада самарали қатнашмоқдалар, интизомни мустаҳкамлаётирлар, бригада пудратини бойитмоқдалар. Шуниси диққатга сазоворки, бригада пудрати ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг энг муҳим ва қийин участкаларида ташкил этиляпти. Экспериментлар ўтказиш, янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш ва бошқа шу каби масъулиятли вазифалар кўпроқ ана шундай бригадалар зиммасига юкланмоқда. Бу ерда коллективнинг ҳар бир аъзоси янада яхшироқ ишлашга, ўзининг бутун кучини меҳнатга тўлароқ сарфлашга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам комсомол-ёшлар коллективларида иш бошқа бригадаларга қараганда яхшироқ боради. Уларда меҳнат унумдорлиги бошқаларга нисбатан 15 процент юқори, кадрлар қўнимсизлиги эса 4-5 баробар камдир.

Бироқ ёш меҳнатчиларни тарбиялашнинг бундай самарали формаси республикада оммавий тус олганича йўқ. Партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари, халқ хўжалиги барча тармоқлари корхоналарининг раҳбарлари комсомол-ёшлар коллективларини ривожлантириш, тажрибали, кекса ишчилар, колхозчилар, хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларининг уларга мураббийлик ёрдамини кўрсатиши тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилишлари лозим.

Меҳнат коллективига, шунингдек, ғоявий-сиёсий, аxлоқий, ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш, коллектив аъзоларини совет ватанпарварлиги, социалистик интернационализм, халқлар дўстлиги ва қардошлиги, қонунларга риоя қилиш, социалистик турмуш қоидаларига ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича катта ҳуқуқлар ҳам берилган. У ичкиликбозликка, безориликка, юлғичликка, коммунистик аxлоққа зид бошқа иллатларга нисбатан муросасизлик билан муносабатда бўлади. Меҳнат коллективлари шу мақсадда оммавий пропаганданинг, оғзаки ва кўргазмали агитация воситаларининг катта хазинасидан, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, сиёсий ва иқтисодий таълимдан фойдаланмоқдалар. Қизил бурчаклар ва чойхоналар, клуб ва кутубхоналар, маданият уйлари ва саройлари фаолияти шу ишга қаратилмоқда.

Ўзбекистондаги меҳнат коллективларида «Ишчиликка бағишлаш», «Биринчи маҳсулот байрами», «Ўроқ ва Болға иттифоқи», «Хотира куни», «Меҳнат, маданият, турмуш ва спорт эстафетаси», авлодлар, меҳнат сулолалари учрашувлари ва бошқа янгича анъаналар ва маросимлар тобора кенг ёйилмоқда.

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича тўпланган тажриба шуни яққол кўрсатадики, оила, мактаб, меҳнат коллективининг биргаликдаги ҳаракати асосидагина бу соҳада янада катта натижаларга эришиш мумкин. КПСС Программаси «оила, мактаб, меҳнат коллективининг ҳамкорлигини чуқурлаштириш»ни талаб этади.

Бу мураккаб ва масъулиятли вазифаларни оила, мактаб, меҳнат коллективи ишини партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари, хўжалик раҳбарларининг актив иштирокида изчиллик билан аниқ мақсадга қаратиб ва мувофиқлаштириб олиб бориш орқалигина ҳал этиш мумкин. Ўсиб келаётган ёш авлод келажаги учун улар олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этмоқ зарур. Зеро, В. И. Ленин айтганидек, келажак ёшларникидир. Республикамизда миллионлаб оилалар, минглаб педагогик ва меҳнат коллективлари бор. Коммунистик бунёдкорликнинг муносиб ворисларини тарбиялаб вояга етказиш энг муҳим ота-оналик, гражданлик, партиявийлик бурчидир.

[«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 9 октябрда чиқади].

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.